

МАМЛАКАТ

бўйлаб

Воқеалар,
янгиликлар,
хабарлар

Нукус шаҳрида бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида 2008 йилда Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилда иқтисодийни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари муҳокама этилди.

Йил сарҳисоби: ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

Йиғилишида асосий эътибор Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 13 февралда Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар ижросига қаратилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси Раиси М. Ернийозов бошқарган йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Жўрғи Кенгес депутатлари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Жаҳон молиявий инқирози кўплаб мамлакатларга ўз таъсирини ўтказган бир пайтда мамлакатимизда иқтисодий барқарорликни сақлаш, ишлаб чиқаришда ўсиш суръатларини таъминлаш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ишончли ҳимоя қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Республика Товар-хон ашё биржасининг Қашқадарё филиалида брокерлар учун яна бир қулайлик яратилди. Улар "Экспресс" тўлов картчаларидан фойдалана бошладилар.

«Экспресс»нинг қулайлиги

Бу янгилик биржа савдоларида сотиб олинган маҳсулот учун тўловни тезкорлик билан амалга ошириш имконини бермоқда. "Экспресс" тўлов картчалари тўғрисида банк ишлагаётган кунларда ёки брокер бошқа ҳудудда бўлган пайтларда ҳам сотувчи ҳисоб рақамига пул тушириш мумкин.

Бугунги кунда филиалда 26 та савдо майдончаси фаолият кўрсатмоқда. 180 нафар малакали брокер сотувчи билан харидор ўртасидаги олди-сотди ишларининг муқаммал адо этилишига кўмаклашаётган.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тошкентда "Медиамаркетингнинг замонавий технологиялари" мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Маркетинг ва реклама

Унда тегишли вазирлик ва идораларнинг матбуот хизмати вакиллари, реклама агентликлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Иқтисодий институтини ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда ташкил этган ушбу анжуманда мамлакатимизда медиамаркетингнинг янада ривожлантириш, унга замонавий технологияларни кенг жалб қилиш, шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитида маркетингнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди. Мазкур соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, режалар муҳокама қилиниб, вазифалар белгилаб олинди.

М. ТОЖИЕВА.

Хонқа туманидаги "Хонқа паррандачилик" МЧЖ комплексининг ишга туширилиши 40 нафар маҳаллий ёш иш билан таъминлаш имкониятини яратди.

Маҳсулот миқдори ортмоқда

Айни пайтда жамият эл дастурхонини тўқин қилиш борасида ҳам салмоқли натижаларга эришмоқда. Жумладан, қисқа вақт мобайнида бу ерда боқилаётган парранда сони 120 мингга етказилиб, 1 миллион дондан ортқ тухум олинди. Шунингдек, аҳолининг пархез маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида Самарқанддаги Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасига қарашли "Оҳалик-Ломан-Парранда" очик акциядорлик жамиятидан шартнома асосида яна 45 мингга ҳўжа келтирилди.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ВА ИЛМИЙ САЛОҲИЯТ

мамлакатимизнинг иқтисодий юксалишига хизмат қилади

Ҳар қандай давлат иқтисодиётининг юксалиши кўп жиҳатдан ёш авлоднинг интеллектуал ва илмий салоҳиятига боғлиқ. Шу боис мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси ва бевоқиф раҳбарлиги остида таълим тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти.



Халқаро кўргазма

У мақсадда миллий дастур ва кўплаб ҳужжатлар қабул қилиниб, таълим муассасалари жаҳон стандартлари талабларига тўла жавоб берадиган замонавий қиёфа касб этмоқда. Ўтган йили "Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида 1875 та умумтаълим мактаби, 164 та касб-ҳунар коллежи, 20 та академик лицейда қурилиш ва қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилгани, 216 минг 578 ўринга мўлжалланган мактаблар, 120 минг нафар ёшнинг бағрига олдиган коллежлар янгидан бунёд этилгани бунинг исботидир. Уларнинг ҳар бири муҳташам қошоналарни эслатади, ўқув хоналаридаги шарт-шароитлардан кўнглинг яйрайди. Қувонарлиси, юртимизда нафақат ёшларнинг билим олиши, балки уларни ўз мутахассисликлари бўйича иш билан таъминлаш масаласи ҳам давлатимиз эътиборида турибди. Бинобарин, 2008 йилда 660 мингга янги иш ўрни яратилган бўлса,

(Давоми 2-бетда).



СИНГАПУР ЎЗБЕКISTON БИЛАН ТУРИЗМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАН МАНАФААТДОР

Сингапур Сайёҳлик агентликлари миллий уюшмаси (ССАМУ)да Ўзбекистон сайёҳлик салоҳияти тақдироти бўлиб ўтди.

Тадбир иштирокчилари юртимизда сайёҳликни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари, туризм соҳасига сармоя киритиш учун яратилган шарт-шароитлар, халқимизнинг бой тарихий ва маданий мероси, тарихий шаҳарларимиз, мамлакатимизнинг жўрғофий, табиий ва иқлим шароити билан танишишди. Йиғилишларда ақинлашиб келаётган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи, айниқса, катта қизиқиш уйғотди.

Сингапурликлар эътиборига ўзбек давлатчилигининг шаклланиш тарихи, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Бобур, Имом ал-Бухорий, Ибн Сино каби буюк аждодларимизнинг инсоният тамаддуни ривожига қўшган ҳиссаси ҳақидаги маълумотлар ҳавола этилди. 2007 йилда Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳрининг «Ислам маданияти пойтахти»

деб эълон қилинганга алоҳида эътибор қаратилди. Тақдирот маросимидан сўнг бўлиб ўтган мунозаралар чоғида Ўзбекистонда сайёҳлик

Биз ва жаҳон

соҳасини ривожлантириш борасидаги фикрлар билан ўртоқлашар экан, ССАМУ бош директори Роберт Кку ўзининг кўп асрлик тарихи, улутвор меъморий обидалари, дунё мероси сифатида эътироф этиладиган тарихий қадимжолари, халқининг меҳмондўстлиги билан машҳур бўлган Ўзбекистон Марказий Осиенинг сайёҳлик маркази эканини таъкидлади. «Мамлакат ҳукумати томонидан ҳоржий сармоядорлар учун яратилган шарт-шароитлар Ўзбекистон туризм бозорини инвесторлар учун ниҳоятда жозибадор соҳага айлантирмоқда ва биз юртингиз билан ушбу

«Жаҳон» АА,
Сингапур.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида

Ўзбекистон Республикаси Олий судида Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси мазмун-моҳиятини ўрганиш ва ундан келиб чиқадиган долзарб вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Олий суд раиси Б. Мустафоев бошқарган йиғилишида мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларидан давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган беш таъминлаш асосланган ижти-

моий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш модели ўзининг юксак самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди. Зеро, иқтисодиётнинг мафқурадани холи бўлиши, давлат бош ислохотчи

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКISTON-ТОЖИКИСТОН ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯЛАРИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ ХУСУСИДА

18 февраль кuni Душанбе шаҳрида Савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўйича Ўзбекистон-Тожикистон ҳукуматлараро қўшма комиссияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасидаги давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш масалалари бўйича Ўзбекистон-Тожикистон ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг навбатдаги мажлислари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов ва Тожикистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

М. Алимардон раислигида ўзаро муносабатларни ривожлантиришга доир, икки мамлакат манфаатлари учун муҳим аҳамиятга эга долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Комиссиялар иши якунида томонлар, мазкур учрашув асрлар давомида яхши қўшни ва дўст бўлиб яшаб келаётган икки халқ пайдо бўладиган бирча масалаларни бир-бирининг манфаатларини ҳурмат қилган ҳолда ва тенг ҳуқуқлилик асосида хал қила олишининг яна бир далолати бўлди, деган хулосага келдилар.

(ЎзА).

САВОБ ИШНИНГ АМАЛИЙ ТАСДИГИ

Чорвачиликни ривожлантириш дастурининг ижроси доирасида бултур жойларда ташкил этилган "Кимошди" савдоларида 20 минг 300 бош қорамол сотилгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

Хоразм вилоятида бу борада амалга оширилган ишлар, эришилаётган ютуқлар ҳам эътиборга лойиқ. Масалан, ўтган йили бу ерда қишлоқ аҳолиси-

қорамолларни келтириш, уларни "Кимошди" савдолари орқали сотиш аънаанага айланган. Мисол учун, бултур Украинадан 650 бош наслдор қорамол келтирилиб, фермерларга тарқатилди. Аҳоли ва фермерларга "Кимошди" савдолари орқали эса 1000 бош ўрнига 1156 бош насли қорамол сотилди.

Айни кунларда жойларда чор-

ва бош сонини қўлайтириш мақсадида шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжалиқларига қорамол сотиб олиш учун 2178,2 миллион сўм миқдорда микрокредитлар ажратилди. Қорамол боқиб билан банд бўлган аҳолини ижтимоий химоялаш учун уларнинг 2600 нафардан ортироғига меҳнат дафтарчалари очилди.

Бундан ташқари, воҳада чорва молларига зооветеринария хизмати кўрсатадиган 157 та шохбача ташкил қилиниб, зарур жиҳозлар билан таъминланди. Натижада уларнинг хизмат кўрсатиш сифати янада яхшиланди.

Кейинги пайтларда вилоятда чорва наслини яхшилаш масаласи ҳам эътиборда турибди. Айниқса, хоржидан наслдор

қорамолларни келтириш, уларни "Кимошди" савдолари орқали сотиш аънаанага айланган. Мисол учун, бултур Украинадан 650 бош наслдор қорамол келтирилиб, фермерларга тарқатилди. Аҳоли ва фермерларга "Кимошди" савдолари орқали эса 1000 бош ўрнига 1156 бош насли қорамол сотилди.

Чорвани озуқа билан узуқусиз таъминлаш мақсадида эса ҳудудларда махсус шохбачалар сонини талаб-эҳтиёжга қараб қўлайтириб бораётиб. Энг муҳими, энг чекка қишлоқ аҳолисининг чорваси учун ҳам озуқа арзон нархларда етказиб берилаяпти. Бу, ўз навбатида, чорвадорлар учун катта қулайлик туғдираяпти.

(Давоми 2-бетда).

Бунёдкорлик қудратимиз намойиши

2008 йилда мамлакатимизда қурилиш ишлари ҳажми 8,3 фоизга ўсди.

Халқимизнинг ана шу бунёдкорлик ишлари натижасида шаҳар ва туманлар, қишлоқларда кўплаб янги ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектлари ишга туширилди, ижтимоий иншоотлар реконструкция қилиниб, таъмирдан чиқарилди.



БИР
РАҚАМ
ШАРҲИ

Таҳлил



Бугунги кунда Тошкент шаҳрида 5 млн. тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт бўлиб, улар пойтахтимиз кўрмига-кўрк бахш этиш билан бирга, иқлим муътадиллигини сақлаб, кишилар дилини яйратмоқда, кайфиятини чоғ этаётир.

Беминнат яшил дўстларимиз

Гап шундаки, дарахтзорлар ҳавони тозалаш, кислород билан бойитиш, ҳарорат ва қурғоқчиликни юмшатиш ҳамда шовқин даражасини пасайтириш хусусиятига эга. Чунинчи, 1 гектар бoғ бир йилда 3 тонна кислород ажратиб, 54 тонна чанг ва 5 тонна углерод икки оксидини ютади. Агар инсон вужуди ҳаракатсиз ҳолда бир кеча-кундузда 300 литр, жисмоний ишларни бажариш жараёнида эса унга нисбатан 10-15 марта кўп кислород истеъмол қилишини ҳисобга олсак, дарахтларнинг нечоғли аҳамиятли эканлиги аён бўлади. Айниқса, оқ акация, арча, қарағай ва тeрак шовқиннинг кушандасидир. Ҳисоб-китобларга кўра, дарахт ва буталар шаҳардаги шовқиннинг таъсир кучини 74 фоизга камайтириб, 24 фоизини тўлиқ ўзига ютиб олиши исботланган. Бундан ташқари, дарахтлар бор жойда, албатта, қушлар бор, қушлар нағмаси борки, бунга изоҳнинг ҳожати йўқ.

Равшан МАМАТҚУЛОВ, Табиати муҳофазат қилиш давлат қўмитасининг ахборот хизмати раҳбари.

Нафосат

Гул — гўзаллик ва эзгулик тимсоли. Шу маънода, гул етиштирувчилар гўзаллик яратувчи ва эзгулик улашувчилардир.

Ҳар гулнинг ўз иси бор

Одатда, гулни биз тўю тантаналарда ишлатамиз, яқинларимиз кўнглини кўтариш учун соғва сифатида харид қиламиз. Демак, гул сотиб олиб, кимнингдир кўнглини шод қилиш баробарида ундан ўзимиз ҳам баҳра олиб, бир лаҳза бўлса-да, гўзалликка ошно тутинамиз.

— Мана, ўн олти йилдирки, ҳар тонгни гул ифори билан қариши оламан. Яъни, шунча йилдан бундан гулчилик билан шугулланаман, — дейди Тошкент вилоятининг "Юкори Ҳасанбой" даҳасида яшовчи гулчи Раҳима Маҳжумова. — Ёшлигимдан онамининг ҳовлида гул парваришларини кўриб, бу юмушга меҳр қўйганман. Ҳозир эса ўғлим худди ўзимдек гулларни яшии кўради, уларни мендан-да ортиқ парваришлайди.

Раҳима опа бизни гулзорини бориб кўришга таклиф қилди. Гулзордаги бир-биридан чиройли чиннигул, атиргул, нарғиз гул, игна баргли гуллар, георгин гули, хрензантема каби эллиқча яқин гул турлари ва гулдасталарга безак берувчи палма ўсимликларини кўриб, унинг меҳнатига, матонатига қойил

Гўзал САТТОВА.

Яшаш учун кураш

Этибор қилса, қушлар безовталаниб сайраяпти. Бўйинида осиклик турган дурбинни олиб, атрофини кузатиб. Иккита каклик чўғурлаб, илонни уясига йўлатмасликка чоғланарди. Газанда эса вишиллаганча бошини баланд кўтариб, ўзига яқинроқ турган қушга ҳамла қилди. Каклик "пир" этиб ўзини орқага олди. Унинг ноласини эшитган атрофдаги какликлар қанотларини ёймасдан, йўргалаб келишарди. Буталар оралиғидан чиққан илон интичка узун тили билан рақибларига ҳамла қилишини кўймасди.

Баҳодир "жанг" бўлаётган жойга боришини иложини тополмади. Тик қоялардан жарликча фақат арқон ёрдамида тутиш мумкин. Тош юмалтишга кўнгли дов бермади, тагин каклик жўжларига шикаст етмасин, деб уйлади. Бу орада какликлар сони ўн-ўн иккитага етди. Улар илон атрофини доира шаклида ўраб олишди. Уртадаги илон бошини гоҳ кўтариб, гоҳ пасайтириб какликлар томон ҳезланиб турди. Какликлар эса тинимсиз чўғурлашиб басма-басига сайрайди. Уларга атрофдаги хуркак какликлар ҳам қўшилиди. Патларини хурпайтириб, бўйинларини чўзиб, жаҳл билан газанда томон ёпирилиб боришарди. Ахйри, какликларнинг қақирлаши илоннинг бошини гангитиб қўйди. Шу орада бута ёнида биқиниб турган каклик бошини сарак-сарак қилаётган газанда томон яқинлашиб борди-да, бир қўзини чўқиб олди. Бошқа томондаги каклик эса унинг иккинчи қўзини чўқиди. Шундай қилиб, какликлар ўз душманларидан қасд олдилар.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ.

Одатда, лайлаклар Африка, Ғарбий Хитой, Жанубий ва Ғарбий Осиё давлатларида қишлайди. Кейинги йилларда бу безор қушлар қишлаш учун юртимизда қолаётти. Уларнинг бир қисми қиш мавсумини Фарғона водийсидан ташқари, Тошкент вилоятида, аниқроғи, Янгийўл туманининг Абдулла Ортиқов қишлоқ фуқаролар йиғини худудидида ўтказаетир.

ЛАЙЛАК — эзгулик элчиси

Кесаларнинг айтишича, бунинг хосиятли жиҳатлари кўп. Чунки лайлаклар файзу баракали, осойишта юртда учрайди. Улар келган элда тўкинлик, мўл-кўнчилик қарор топади. Шу боис халқимизнинг эзгу ниятлари тимсолига айланган бу қушга азал-азалдан ўзгача эҳтиромда бўлинади, асло овланмайди. Мамлакатимизда сув ҳавзалари ва уларнинг атрофидаги ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини муҳофазат қилиш, биохилма-хилликни асраш бўйича олиб борилаётган ислохотлар тўғрисида қушларнинг яшаш шароити учун қулай экологик муҳит юзага келди. Натيجида лайлак сингари "Кизил китоб"га киритилган ва камёблашиб бораётган қушлар ўлкамизда тобора кўпаймоқда. Уларнинг чўғур-чўғурлари қиш-ёз осмонни тўтиб, кишиларга ўзгача завқ-шавқ улашаетир.

Бу ерда уларнинг яшаш учун шароитинг қулайлиги, энг муҳими, бехатарлиги тўғрисида таъкид қилинади. Ёшларга доим қушларга тегмасликни ўқитаримиз. Уларга "Лайлаклар эрта-кеч" кўча-кўчада кўришаркан.

ҳар бирида Туркистон оқ лайлакларини бир-бирини такрорламайдиган ҳаракат қилади. Маҳаллаларга яқинлашганингиз сайин бу манзара уларнинг томига кўчади. "Шодлик", "Тош-ёрган", "Қирқариқ" маҳаллаларидаги деярли ҳар бир уйнинг томида лайлак ин кураган.

Кут-барак

— Лайлакларнинг маҳалламиз ичига, яъни уйлар томига ин кура бошлаганига 3-4 йил бўлди, — дейди Мухаммад Кулбоев. — Ҳозир ҳар бир хонадоннинг ўз лайлаги бор. Бу билан улар фахрланишарди. Бу ерда лайлакларнинг ҳовлиларга беҳадик кўчиши оддий ҳолга айланган. Лекин бунга аввал кўнчилик, ҳатто бошқа вилоятлардаги танишларимиз ҳам ишонинмаган эди. Уларни кўрган, ҳайратда қолди. Ахир,

дагидек тумшугида кут-барак уруғи олиб келиб, элимизга сепади", деймиш. Охири пайтада бармоғидан воз кечишга тўғри келган. Лекин, қанчалик қийин бўлмасин, у совуқ маҳлуқлардан бир дақиқа ҳам кўнглини уза олмади. — Айрим одамлар дуч келган илонни шафқатсизларча ўлдиришарди, — дейди Алишер ака. — Аслида, илон ҳеч кимга озор бермайди, тегмаганга тегмайди. Маса-

Мутахассис изоҳи

Максим МИТРОПОЛЬСКИЙ, «Давбоназорат» ходими: — Лайлаклар узун оёқли қушлар туркуми оиласига мансуб бўлиб, уларнинг 17 тури, 11 уруғи бор. Улар тропик, субтропик ва мўътадил минтақаларда исбатан кенг тарқалган. Мамлакатимизда Туркистон оқ лайлаги ва қора лайлак учрайди. Оқ лайлаклар текисликларда, қора лайлаклар эса тоғли худудларда яшайди.

Оқ лайлакнинг тумшуги ва оёқлари қизил бўлиб, вази 4 килограммгача етади. Қора лайлак исбатан кичикроқ. Мазкур қушлар 3-5 тагача туҳум қўйиб, 32-34 кун ичида половон очади. Сўнги йилларда қора лайлаклар камайиб кетгани боис "Кизил китоб"га киритилган, ов қилиш тақиқланган.

ОНАЖОНИМ — ТАБИАТ



Қишлоқ врачининг назарида, алаҳсираётган Алишер морбознинг дардига энди даъво йўқ эди. "Илон илонлигини қилибди, захар бутун танага тарқалган", деди у.

Илон билан тиллашган одам

Морбознинг оила аъзолари, яқинлари эса қандайдир мўъжиза бўлишини куттишарди. Ниҳоят, ўша куттилган мўъжиза рўй берди. Тун бўйи ажал билан олишган Алишер тонгга яқин оҳиста инградиб сув... Бу илонларга меҳр

лан, ҳозир уйимда юздан ортиқ илон бор. Уларнинг аксарияти қобралар. Лекин улар ўзимдан бошқа ҳеч кимни қаққан эмас. Бошқаларга тегмайди ҳам. Сабаби, илонга озор бермасан, у ҳеч қачон ваҳшийлик қилмайди. Бирор марта илоннинг кўзига қараганимиз?

«Ишбилармон» қарга

экан. Ўлжа асфальтнинг қоқ ўртасига тушди. Қарга яна учиб келиб, суякни олди ва осмонга кўтарилди. Тагин шу ҳол такрорланди. Ниҳоят, учинчи бор уринишдан сўнг суяк иккига бўлиниб кетди. Ҳамон таажжубда қараб

«Ишбилармон» қарга

турарди. Қачонки, қарга келиб илиқнинг ёғларини чўқиб бошлагач, қулиб юборди. «Ишбилармон» қарга эса ризқини еб бўлгач, бир қанот қоқди-ю, дарахтар ортига ўтиб, қўздан гоийб бўлди.

Алишер БОЛИЕВ.



ноёб қуш ховлингизни тўлдириб юрса, эрта тондан ажойиб нағмаси билан қарши оласа, завқланмай буладими?!

Лайлаклар янгийўлликларни, айниқса, бунёдкорлиги билан лол қолдирган. Негаки, сим-ёғочлар ва уларнинг томига қўрган илларни ўта пишиқлиги билан ажралиб туради. Диаметри 1,5 метрни ташқил этадиган салмоқли илларни шамол ўйролмайдди. Қанча ёнғинчилик бўлмасин, уя ичи қўл-қуруқ, Бундай мустақкам инда ҳар жуфт қуш 3-5 тадан половон очиб, қанотлари остига олади.

Табиати муҳофазат қилиш давлат қўмитаси мутахассисларининг таҳлилларига қараганда, кейинги ўн йилликда лайлакларнинг кўпайиши кузатишмоқда. Бу уларнинг юртимизда қишлай бошлаган даврга тўғри келади. Ҳозирги кунда лайлакларнинг умумий сони 1,5 миң жуфтни ташқил этади. Бу мамлакатимизда лайлаклар алоҳида муҳофазатга олингани, энг муҳими, аҳоли ўртасида ушбу қушларга бўлган кечиксиз меҳр-муҳаббатнинг натижасидир, дейиш мумкин. Зотан, лайлаклар — эзгулик элчиси, тинчилик белгисидир.

Санд РАҲМОНОВ.

Наботот

Табиатнинг мўъжизаси кўп. Шуларнинг бири — жийда. Меваеси — шифобахш. Витаминга бой, Гули-асвлари учун нектар. Ҳидини айтмайсизми?!

Қачон гуллар жийдалар...

— Жийда беор ўсимлик, — дейди кекса боғбон, қишлоқ ҳўжалик фанлари номзоиди Ҳожиқурбон Ҳайитов. — Ер танламайди. Шўрланган, сизот суви юқорида жойлашган ерларда ҳам ўсиб кетаверади. Унинг илдизиди азот элементини тўпловчи тугунак бактериялар бор. Бу тугунак озуқабоп минерал билан таъминлашга ёрдам беради...



Когон туманидаги 20-ўрта мактабинг биология фани ўқитувчиси Гулшода Нарзуллаеванинг айтишича, мазкур дарахтнинг юртимизда ном жийда, қизил жийда, қумушом майда жийда, Шарқ жийдаси каби турлари мавжуд. У — ёруғсевар ўсимлик. Уч-тўрт йилда ҳосилга қиради. Жийдадан иҳота сифатида, тупроқ эрозиясига қарши фойдаланиш мумкин. Ҳалқ табиатида жийда меваеси ёки унинг дамламаси шифобахш саналади. Улар ошқозон-ичак фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Дарвоқе, жийда май ойда гуллайди. Жийда гуллаган кезларда ён-атрофга ўзгача буй таратади, она-табиат куркига-кўрк қўшилгандек туюлади. Қийғос гуллаган жийдалар ўз ёрига пешвоз чиққан келинчаки эслатади, гўё.

Истам ИБРОҲИМОВ.

Ҳашаротқўр «Озадирахта»

Тропик ўлкаларида, шунингдек, Ҳиндистонда «Озадирахта» дарахти ўсади. Бу антиқа дарахт пўстлоқдан шифобахш дори олинади, ёғочидан мебель ясалади. Шуниси қизиқки, унинг ёғочини ҳашаротлар мушламо кемирмайдди. Чунки ёғочи таркибиди ҳашаротларга қирон келтирадиган моддалар мавжуд. Шу боис унинг ёғочларидан тайёрланган курси ва ётоқхона мебеллари-га ҳашаротлар тўғул, захарли газандалар ҳам яқин йўлолмайдди.

Африка саванналарида патли кигелига ўсади.

«Қазил»дан Чанқовбосиди ИЧИМЛИК

Унинг мевалари ўзимиздаги қазиларнинг эслатади. Улар — маймунларнинг энг сеvimли озуқаси. Маҳаллий аҳоли эса «қазил» дарахтининг меваларидан чанқовбосиди ичимликлар тайёрлайди.



Уқинг, қизик!

Бальса — табиий қайиқ

Унинг қулоч етмас ёғочларини бир киши бемалол елкасида кўтариб юриши мумкин. Бальсанинг энсиз тахтаси майин шабадада бир варақ қоғоздек учи кетади. Энг муҳими, сув сатҳида пўкадек қалқийди: дарахтининг уч донатахтасидан асалган солда олти чоғлик киши юки билан бемалол сузиб юрса бўлади.

«Темир дарахт»

Озарбойжоннинг Толиш тоғларида «Темир дарахт» деб аталадиган ўсимлик ўсади. Бу дарахт ёғочининг пишиқлиги, оғирлиги ва қаттиқлиги жиҳатидан металлдан қолишмайди: ундан саноят ва ҳўжалиқларда асқотадиган аниқ ўлчамли асоб-ускуналар, мусиқа асоблари, арава гилдирақлари тайёрланади.

Митти гул

Жуда майда барг ва гулбандли вольфия камдан-кам гуллайди. Ботаниклар бу жажжи ўсимликнинг фунсунок гулини ҳаётда бир марта қуришга орзуманда бўладилар. Негаки, табиатда вольфияни учратиш амримаҳол, унинг турган-битгани тўғноғининг қўзича келади.

Маннон НАБИЕВ тўплайди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ 1992-2008 йилгача бўлган Ўзбекистон почта маркалари, блок ва кичик варақларнинг мавзули ва йиллик тўпламларини ҳамда маркаларни классер ва буклетларда тақдим этади ТЕЛ: 233-70-33. ФАКС: 233-36-48. САЙТ: WWW.POST.UZ E-MAIL: OAO@POST.UZ

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 52918 нусхалда босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25. ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терияди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланади. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 21.20 Топширилди — 22.15

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳасошов. Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров. Навбатчи — М. Охунова. Муассасхў — Ш. Манраббев.

233-15-22